

Л. Абдуолимова, М.А. Бекмирзаев

Наманган муҳандислик-технология институти

Наманган, Ўзбекистон

mirzo1979@umail.uz

## ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада бугунги кунда дунё аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжлари йилдан йилга ошиб бораётгани ва ушбу муаммоларни ҳал этишда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни экспорт қилиш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, озиқ-овқат, мева-сабзавот, экспорт, замонавий технологиялар, хом-ашё.

L..A.bduolimova, senior teacher M.Bekmirzayev

Namangan Engineering-Technology Institute

Namangan, Uzbekistan

mirzo1979@umail.uz

## WAYS TO DEVELOP BUSINESS ACTIVITIES IN RURAL AREAS

**Abstract.** The article discusses the growing demand for agricultural products in the world today and the problems of growing and exporting agricultural products through the development of entrepreneurship in solving these problems.

**Keywords:** agriculture, business, food, fruits and vegetables, export, modern technology, raw materials.

Кейинги йилларда юртимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб борилмоқда. Аҳоли фаровонлигини ошириш, айниқса қишлоқ жойларидаги аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий қўллаб-қувватлаш кабилар давлат сиёсатининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “...тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-

тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим”, - дея таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, ўтган 2020 йилда мамлакатимиз раҳбари Мурожаатномаларида таъкидлаганларидек, тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёзлар ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп миқдорда кредитлар ажратилди [1].

Маълумки, ўтган йил бошида ҳам Президентимиз тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш, аҳолини тадбиркорликка ўргатиш ва касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтиришни энг асосий масала қилиб қўйган эдилар. Бунинг самараси ўлароқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, қишлоқ жойларида иссиқхоналар барпо этиш ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш, кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалигида ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш, чорвачилиқда насли эчкичилик, паррандачилик, йилқиччилик, асаларичилик, балиқчилик, қорамолчилик, қуёнчилик, туячилик каби тармоқларни кенгайтириш, боғдорчиликда мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳам маълум бир ижобий натижаларга эришилди.

Наманган вилоятида 2020 йил 1 январь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс мақомига эга бўлган 22034 та кичик тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлган бўлса, 2021 йил 1 январга келиб уларнинг сони 27314 тага етди. Ўтган бир йил давомида вилоятда 6220 та кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 940 та кичик корхонанинг фаолияти тугатилган.

Бугунги кунда вилоятда 2020 йил якунлари ҳисобот маълумотларига кўра, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 73,7 фоизни ташкил этмоқда. Хусусан, бу кўрсаткич саноатда 50,0 фоизни, қурилиш тармоғида 91,3 фоизни, чакана савдода 90,4 фоизни, қишлоқ хўжалигида 97,3 фоизни ташкил қилган [2].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар талайгина, натижалар салмоқли. Бу борадаги ишлар кўлами жорий йилда ҳам янада кенгайтирилади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, келгуси йилда “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади. Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади.

Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда энг муҳими “Тадбиркорлик кодекси” ишлаб чиқилади.

Юқорида келтирилган Президентимиз маърузаларидан келиб чиқиб, тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

- Энг аввало, аҳолининг молиявий-тадбиркорлик бўйича саводхонлигини ошириш, иқтисодий билим ва кўникмаларини янада кенгайтириш,
- аҳолини кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш, эркин рақобат муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш;
- янги иш ўринларини (доимий ва мавсумий) яратиш;
- аҳолининг шахсий томорқа хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш, ерлардан унумли фойдаланиш;
- саноат тармоқларида кооперацияни ривожлантириш ва тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш яхлит занжирини яратиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган устувор йўналишлар бўйича комплекс чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши натижасида, мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўлаги бўлган тадбиркорликни барқарор ривожланишини

таъминланишига ва кейинги йилларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллашиб боришига замин яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

2. Режим доступа: [www.namstat.uz](http://www.namstat.uz)

*А.Р. Бозоров*

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси  
*Р.Б. Исмоилов, А. Мамадалиев, Ш.З. Мухитдинов*  
Наманган муҳандислик-технология институти

## **COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИГА ТАЪСИРИ**

**Аннотация.** *Мазкур мақолада COVID-19 пандемиясининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси ва озиқ-овқат таъминоти занжирининг таъсири, истеъмолчиларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда эпидемия, пандемия ва карантин вақтларда ички ва ташқи бозорларни озиқ-овқат таъминоти билан тامينлашда қўлланиши керак бўлган зарурий чоралар кўриш бўйича назарий жиҳатлар ёритилган. Шунингдек мақолада иқтисодиётда инновацион технологияларни жорий этиш талабига мувофиқ таъминот занжирларини таъминлашда ишлаб чиқарувчи корхоналарни рақамлаштириш орқали трансформация жараёнларини кенг тадбиқ этиш бўйича керакли тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар.** *COVID-19, пандемия, озиқ-овқат саноати, таъминот занжири, трансформация, ақилли завод.*

*А.Р. Бозоров*

Ташкентский финансовый институт  
*Р.Б. Исмоилов, А. Мамадалиев, Ш.З. Мухитдинов*  
Наманганский инженерно-технологический институт

## **ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ СЕКТОР УЗБЕКИСТАНА И ЕГО ЦЕПОЧКУ ПОСТАВОК**